


84
Гил-61

Махмуд Тоир

Янги

ТОШКЕНТНОМА



Маҳмуд ТОИР

ҶИҒИ

ТОШКЕНТНОМА

(Достон-фахрия)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAHSUS TA'LIM VAZIRLIG'I
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

«O'QITUVCHI» NASHRIYOT-MATBA'A JO'DIY UYI
TOSHKENT — 2012

ООО «Чирчикская городская типография» Зак. 1096-1000

Ўзбекистон мустақиллигининг
21 йиллигига бағишланади.

*Баркамиз қарда бўлмайлик, қайси
юртларни кезмайлик, донмо Тошкентни
сочиниб, унга таштиниб, суниниб тшаймиз.
Тошкентининг шарфини еган бўлур,
Мақсадан ҳам қайтиб кетади, деган нақш
бежизда айтилмаган.*

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон хаёл шоири Маҳмуд Тоирнинг ушбу шеърин асарини
Нотинимиз пойтахти — Тошкент шаҳри ҳақидаги дoston-фаҳриядир.
Хар бир ўзбек китобхони учун фот қадри бўлган бу мавзу дастлаб
ақлдан ақломда шоиримиз Маҳсуд Шайхзода томонидан 1957 йида,
сўнг мустабида тузум мафкураси авж олган даврда ёритилгани
адабиётимиз тарихидан яхши маълум. Ўта оғир ва мураккаб шароитда
ёритилган қарамасдан, она юрта мухаббат, унинг бошкенти бўлган
буён шаҳрта фарзандлик меҳри билан битилган «Тошкентнома»
дostonи адабиётимиз хазинасидан муносиб жой эгаллади.

Устозлар бошлаган эзу анъанани давом эттирган ҳолда, бу
манулин бутунли тааб ва ўзгаришлар нустан назаридан ёритишта
қарор ёлган Маҳмуд Тоирнинг «Нини Тошкентнома» дostonи
тарбия-фалсафий, руҳий қамровнинг кенглиги, ҳис-туйғуларнинг
таъсирчан ифодаси, реал тарихий манзарадарнинг аниқ тасвири ҳамда
наъман билан алоҳида ажралиб туради.

Мамлакатимиз Президентини Ислом Каримов раҳнамолигида
ишлов йилларида бутунлай янгича қиёфа касб этган Тошкентнинг
ақл қири. Ўзбекистон давлатининг қайта тикланиши ва ривожла-
нишидаги беҳисс аҳамияти, бу алим шаҳар ҳаётидаги энг ёрқин ва
ақлдан сазифалар, пойтахтимизни жону дилдан севадиган, у билан
тўғрисида яшайдиган замондошларимизнинг салибий уй-кечинмадари
ишловларида ҳароратли шеърин сатрлар воситасида атрофда янги ёритиб
турулади.

Миллий адабиётимиздаги янгилашни жараёналарининг ўзига хос
ишлов ифодаси бўлган мазкур асар адабиёт ва шеъринг ихлос-
андозларида, барча китобхоналарда катта қизиқиш уйғотади, деб
ишловимиз.



ЎНИНГ ТОШКЕНТНОМА

(Достон-фахрия)

МУҚАДДИМА

Қадам оқдим китобат учун,
Улуғ ишда ижобат учун,
Киндик боним томган туپроқда
Тоғланам бахт, саодат учун!

Миллатимнинг номи — мадорим,
Борлигидан бор ифтихорим.
Ўн саккиз минг бу олам аро
Ўзбекистон — танҳо дийрим.

Номус-орим асраб яшай деб,
Ифтихорим асраб яшай деб,
«Тошкентнома» дафтарин очдим,
Дилда борим асраб яшай деб.

Замин — ушкан, олам — бепоян,
Вале бошда биттадир осмон.
Осмон ости, замин устини
Ватан тутмиш ҳазрати Ўнсон.

Бу оламнинг тоғлари биёёр,
Бу оламнинг боғлари биёёр.
Шаҳарлар бор — дунёнинг шони,
Шаҳарлар бор — мангу ифтихор.

Барчасига биздан хуш салом,
Барчасига меҳримиз инъом.
Бу дунёда қурган, яратган
Савоб ила яшар бардавом.

Бироқ айтсам, Чоқкент биттадир,
Бу дунёда Шошкент биттадир.
Ўзбекистон туғини тутган
Шарқ гавҳари — Тошкент биттадир.

Кимлар уни мадҳ айламаган,
Мадҳ айлашга беа бойламаган.
Эрдан ҳикмат эиёсин олаб
Эа кўнглига сўнг жойламаган.

Шуккур, борман шу сафда мен ҳам,
Хуш ниятда кўлимда қалам.
Кўз ўнгимда юз очган Тошкент,
Ўзга маръво, ўзга бир олам!

1806

Сўзимга жиловдор ажлодлар ёди,
Сўзининг султонлари, эънининг устоди.

Тарих осмониди қолган кўёшлар,
Маррифат аҳлига абад дилдошлар.

Битган битиклари — тарих садоси,
Ўтмишнинг оҳари, эллар нидоси.

Ҳикмат гулларидан ноёб гулдаста,
Ажлодни авлодга этар вобаста.

Уларда битилган не-не сир-асрор,
Ўқиб, ўққан киши бўлғайдир иқрор.

Шаҳрлар, қишлоқлар, эллар тақдир,
Тирик тарих каби сўйлар ҳар бири.

Ҳақнинг бандалари ҳақ ёзиш алабат,
«Шоҳнома» да битиш Фирдавсий ҳазрат.

Минг йиллар аввал ҳам Чочнинг камони,
Тенгсиз забот айламиш бутун дунёни.

Алпомиш келбати ботир полвоналар,
Чочнинг камонини оруз қилғонлар.

Гўзаллик — азалдан кўзнинг шифоси,
Кимни мафтун этмас гулнинг эиёси.

Тингласанг, товуш бор ҳар битта тошда,
Асрлар садоси шу кўҳна Шошда.

Низомий Ганжавий сўз айтиб зариф,
Тилидан бола томиб айлаган таъриф.

Тошкент — бу жаннатнинг жамоли, деган,
Ҳикмати — дунёнинг камоли, деган.

Қардошлар, қондошлар, дўсту дилдошлар,
Бу ҳаёт йўлида ҳамкор, йўлдошлар.

Тошкентни кўҳна Шарқ шони, деб билган,
Қадрини қабинининг қони, деб билган.

Камол Хўжандийнинг¹ лутфидаги нур,
Шоир шеърларига бахш этган сурур.

¹ Камол Хўжандий — Темурийлар даврида яшаб ижод этган шайх ва шоир.

Одам шоирларин асл сулатони,
Назм осмони ҳам назм уммони.

Навойи шерёда наво тошган у,
Боқий анъорларда садо тошган у.

Шундай шараф тошган Шош овозаси,
Меҳрдан қурилган ҳар дарвозаси.

Шоҳ Бобур — назмда сўнмас бир бўстон,
Мардик, матонати тутанмас достон.

Соғинч сарғайтирмиш гудак юзини,
Тошкент воҳасида тошган ўзини.

Илоқ, Оҳангарон тоғлари ичра,
Паркентнинг жаннатий боғлари ичра,

Бузаган, тин олган, уйларга толган,
Шундаки Ҳинд ёдин кўнглига солган.

Омоҳса ўзидан ўч олган Бобур,
Тошкент туپроғидан куч олган Бобур.

Шош номин ҳар сўзда зорланиб айтган,
Ватангадоликдан орданиб айтган.

Бир он унутмади Андижонини,
Фақат соғинч олдн Бобур жонини.

Боболар тахтининг Кўёши — Тошкент,
Боболар армони, кўз ёши — Тошкент.

Бир кўрган минг бора қайтиб соғинган,
Дийдор тилагида Ҳаққа сиғинган.

Восифий¹ васф этган бу кўҳна шаҳар,
Кўёшта дарвоза ҳамон — ҳар саҳар.

Ўн олтинчи аср тарих саҳнида,
Ёрқин из қолдирган сўз маҳзанида.

Бир асар бизларга мерос этилган,
Унда Шош беҳишга қиёс этилган.

Фурқат тафаккурин чархи бўлган Шош,
Ҳам Фурқат меҳрининг тархи бўлган Шош.

Жаҳонгашталикка чорлаган ҳам у,
Бетакрор назмда порлаган ҳам у.

Боғларин боллари тилда қолган юрт,
Қут ҳам баракани Ҳақдан олган юрт.

Қолирий насрида қадри осмондир,
Аҳли байт жамланган мисли бўстондир.

Йил-йилга ўхшамас, армони — бўлак,
Ҳар асру даврнинг достони бўлак.

Кўнглига очилур кўнгли кўрғони,
Ўзбекнинг шоири, озар ўғлони.

Дарёли, Хотамфеъа Мақсуд Шайхзода,
Дил дардин, эл меҳрин қилиб ифода,

¹Восифий — Амир Навоийнинг замондоши, машҳур «Навоий ва Ҳафиз» асарининг муаллифи, XVI асрда Ҳиротдан келиб, Самарқандда яшаган.

Суъда садоқатдан кийиб жомани,
Элга туҳфа этди «Тошкентнома»ни.

Ойбек бағдир ёзган ҳар бир каломни,
Тошкент бўлбул қилган Ғафур Ғуломни.

Икки дўст — Тошкентнинг икки дилбанди,
Кўҳна Шош маҳзида йўқдир монанди.

Тошкент таърифида қалам тутган кўп,
Гоҳ қувонч, гоҳида алам ютган кўп.

Аслида, бу шаҳар дарддан яралган,
Соғинч сабосидан, тарддан яралган.

Тўфонаар ичидан тўғониб чиққан,
Вале руҳлар кўлаб, уйғониб чиққан.

Эртанинг умиди сақлаган уни,
Бобо Шошийларим асраган уни.

Демангиз, Тошкентни тошдан яралган,
Мунаввар кўш — куъ ёшдан яралган.

Сўзим аввалида қилдим тавалло,
Энди кўл кўксимда, дейман тасанно.

Юртим осмонида кеттандар руҳи,
Нек ишда мадаккор утгандар руҳи.

Шу боис тиз чўқдим она заминга,
Кўл очдим дуога, куч беринг менга.

Демангиз, бу ишни осон бошладим,
Минг бир хижолатда, ҳайрон бошладим.

Асли авлодларга бу дилномадир,
Хурият туҳфаси — «Тошкентнома»дир.

Ҳ Б О В

Яратган оламни бино қилганда,
Шошни ҳам шу сафда имло қилганда.

Тутроғин барака бағридан олган,
Қўйнига жаннатий насимлар солган.

Неки ато этган — муъ қилиб берган,
Заминин чаманзор, гул қилиб берган.

Дехқони ер билан тиллаша олган,
Богбони гул билан сирлаша олган.

Болари ҳар гулда чандон яйраган,
Қумри чаҳ-чаҳ урган, булбул сайраган.

Кўҳна Шош азалдан шундай яралган,
Ундан бу оламга ҳикмат таралган.

Тарих — бу мозийнинг таққини асли,
Тарих — ўчмас руҳлар ёлқини асли.

Зардуштий боболар хитоби ичра,
Муқаддас «Авесто» китоби ичра

Турон одаммари «Тур» деб аталган,
Қароргоҳи — «Қанга» — ҳур деб аталган.

«Маҳобҳорат»¹ — бу ҳинд ҳикмат қаломи,
Унда ҳам битилган Қанғаннинг номи.

Асли, милоддан ҳам минг йил илғари,
Макон тутган дарё орти сақари².

Қадим Эрон шоҳи Шошур Биринчи,
Фатҳномасини очиб кўринг-чи.

Сосонийлар ила жангу жадалда
Чоҳ аҳли мардлито битилган унда.

Араблар «Ч» ҳарфин билмай ўттанар,
Шу сабаб Чоҳ эмас, Шош деб биттандар.

«Мадинат аш-Шошу» ҳам «Бинкат» номи
Араблар даврининг Чоҳга «инъоми».

Кун келди пойтахти Мингўрик бўлди,
Кўрку салобати хуш кўрик бўлди.

Курдилар, буздиладар минг йиллар аро,
Қим бахти қародир, қим бағри яро.

Миллатнинг шонидир — Шошнинг тарихи,
Асрий армонидир — Шошнинг тарихи.

* * *

Мингўрик, Мингўрик, эй қадим боғим,
Асрлар кўксиди ёнган чироғим.

Ўйлаб ўйларимга етмайман ҳамон,
Қалбимни қалқитар минг бир титроғим.

¹ «Маҳобҳорат» — қадимий ҳинд эпоси.

² Сақлар — Осиё даштларининг чорвалар аҳолиси. Сўнгги археологик маълумотларга кўра (С. Бартонов) м.в. ав. 1-минг йилликнинг 1-ярмида Тошкент воҳисида «амвортӣ сақлари» (дарё орти сақлари) яшаган.

Гуларнинг бўронлар совурдими, айт²!
Ҳисмининг суронлар қовурдими, айт²!
Ғаввали дунёда қанча гулмалдинг,
Мингўрик, Мингўрик, ўйайман шу пайт.

Кўзлар ҳам гул бўлган гулмаган пайтинг,
Хар дил бўлбул бўлган гулмаган пайтинг.
Сенинг гулларингдек боқира қизлар,
Пойингда қувнашган алёрлар айтиб.

Дилдорлар диллашса, дил бўлар дунё,
Тинч бўлса, аслида, гул бўлар дунё.
Аждодлар мероси қадрин тошанда,
Ҳикматлар жамланиб нур бўлар дунё.

Эй, ўн уч аср¹ ичра таралган нурим,
Минг йиллар нарида товланган дурим,
Санъат самосида шарафлар тошган,
Мингўрик, Мингўрик, қадримсан, кўрим.

Дунё талашгандар дунёдан кетди,
Тупроқ остидалар эйдан кетди.
Сен-ку, тушмагайсан абад тиллардан,
Сени вайрон қилган — дуодан кетди.

Асрлар кўҳна Шош пойтахти бўлиб,
Миллатнинг гурури ҳам тахти бўлиб,
Бутун-чи, табарук номинг яшайди,
Мингўрик — Мингўрик дарахти бўлиб.

¹ Мингўрик — ўн уч аср мобайнида Шошнинг пойтахти бўлган.

Бир кунда қурилмас ҳеч битта шаҳар,
Бир кунда бузишар қасд қилса агар.

Икки минг икки юз йиллар нчинда,
Не дардлар кечмади диллар ичинда.

Неча бор қурилди кўҳна Шошимиз,
Бузила тош ювди кўзда ёшимиз.

Абадий дунёда умри онийлар,
Сомонийлар ёки қорахонийлар.

Гоҳида қалб меҳрин тафтига олади,
Гоҳ кимдир қадрининг заботига олади.

Мўр-малах мисоли муғул таалади,
Қасру қалъаларга оташ қалади.

Доду фарёд билан ўтган у кунлар,
Руҳларнинг оҳида бергайдир унлар.

Дунёда элатлар, эллар бисёрдир,
Кимлар ҳур, кимлар қул, тўғ ва ноҷордир.

Ҳар кимнинг нияти йўлдоши бўлмай,
Эътиқод, иймони қўлдоши бўлмай.

Умидсиз қилмаганай умидли дунё,
Чин дилдан сўрсангиз, бергайдир Ҳудо.


Кўҳна Кеш замини ногоҳ тўлғонди,
Бағрида порлаган нурдан уйғонди.

Барча кароматлар Парвардигорда,
Бир ўғмон туғилди Хўжа Илгорда.

Миллат ори бўлди, соҳибқирони,
Амир Темур олди ярим дунёни.

Азиз-авлиёлар қўлини тутди,
Пири комилларнинг йўлини тутди.

Масжиду мадраса, макбара дейин,
Шошнинг бағрида ҳам кўрсатди бўйин.



Адолат тутгани тутиб самода,
Буюк номи қолди кўҳна дунёда.

Тарихда битмишлар — Султони шариф,
Шошта саккиз бора буюрган ташириф.

Юришлар олдидан фикру уй қилган,
Жаҳонгир Мирзога шунда туй қилган.

Хар бир таширфидан қутлуғ из қолган,
Савобу саховат, ёруғ юз қолган¹.

Бир-бир санаш мушқуа хонлар номини,
Ҳеч ким тўлдирмади ҳаёт жомини.

Ким қазган чохининг қурбони бўлди,
Кимдир элнинг оқил сарбони бўлди.

Аммо боқий эмас ҳеч ким дунёда,
Омас насиб этганидан зиёда.

Ким қурди — ортида Қуёш қолдирди,
Ким бузди — ўзига қарғиш олдирди.

* * *

Бутун қадим Шонинг чироғи бўлиб,
Илму маърифатнинг маёғи бўлиб,

¹ Амир Темури шимода юриш даврида Тошкентда 1361, 1364—1365, 1367—1369, 1390—1392, 1404 йилларда бўлган. Низомиддин Шомий қолдирган мабъарга кўра, 1367—68- йилларда Тошкентда Соҳибқирон «амир Кайхусро» киши Рухини ўғли Жаҳонгирга туй қилиб олиб берган. Шаҳрда бир ой туй бўлиб, вағъаларини замиқу сафода ўтказилар». Тошкент. — Энциклопедия — 2009, 72-бет.

Кўҳна обидалар пораёб турибди,
Одамни бағрита чорлаёб турибди.

Хўжа Аъламбардор мабъараси бу,
Шайх Зайниддин бобо мартабаси бу.

Шайх Хованди Тоҳур, Барокхон бобо
Рухи покларидан олгани дуо

Бутун келувчилар турунақатордир,
Қўқалдош кўҳна-ю, ҳўб турвиқордир.

Абулқосим Шайхнинг мадрасаси ҳам,
Нуру эиё сочар ўзидек қўрқам.

Ҳазрати Имомнинг макмуасида,
Хар дилда юз очар минг бир қасида.



Махмуд Тонир